

Оқсаройда қабул



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 5 июни Оқсаройда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Япония-Ўзбекистон кўмитаси раиси, «Мицуи» компанияси бошқаруви раиси Нобуо Охашини қабул қилди.

2002 йилнинг июлида ўзаро стратегик ҳамкор эканлигини эълон қилган Ўзбекистон ва Япония икки томонлама муносабатларни жадаллик ва изчиллик билан ривожлантириб келмоқда. Қуни кеча пойтахтимизда иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япо-

ния ва Япония-Ўзбекистон кўмиталарининг навбатдаги қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу тадбир ўзаро алоқалар кўлимини кенгайтиришининг янги имкониятларини очиб бериши шубҳасиз. Сўхбат чоғида Президент Ислам Каримов Ўзбекистон раҳбарияти Япония билан ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор беришини, қарор топган муносабатларни юксак кадрларини таъкидлади. Таъкидлаш жоизки, Япония ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорликка катта аҳамият беради. Зеро, мамлакатлари-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ А.М.Жўраевни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Абдувоҳид Маматқуллович Жўраев - Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинланди.

«Баркамол авлод» спорт мусобақалари қатнашчиларига

Азиз фарзандларим! Авваламбор, бугунги унутилмас ва ҳаяжонли дақиқаларда Фарғона водийсининг гаҳари бўлиши қадимий ва навқирон Андижон заминига, чиндан ҳам бетакор ва муҳташам мана шу майдонга тўпланган сиз, азиз ёшларимизни, барча юрдошларимизни, «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг иштирокчиларини чин қалбимдан муборакбод этаман.

«Баркамол авлод» номи оланган бу мусобақаларни биз Кадрлар тайёрлаш миллий дастуримизнинг яна бир сифати, янги давлат, янги жамият куриш, дунёда ҳеч қандай кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш йўлидаги орзу-интилошларимизнинг ёрқин намунаси, деб биламиз. Биз бу спорт ўйинларини жондан азиз болаларимизнинг ўз қобилият ва истеъдодини тўла намойиш этиши учун давлатимиз, халқимиз яратиб бераётган имкониятлар, Ватанимизнинг салоҳияти ва эртанги кунга ишончи тобора ортиб бораётганининг амалий ифодаси, деб қабул қиламиз.

Албатта, бундай катта спорт ўйинларининг жўшқин ва кескин курашларга бой бўлиши, майдонга тушган ҳар бир иштирокчи зафар қозониш учун бор қуч ва имкониятини сафарбар этиши табиий. Шу билан бирга, бу мусобақаларда барча спортчиларни бирлаштирадиган ягона руҳ - дўстлик ва биродарлик руҳи барқарор бўлади, деб ишонаман. Агарда кимки бизнинг бугунги фарзандчилигимиз ва фахри хурсандчилигимиз, шу қувончли лаҳзаларда юрагимиздан кечаётган ҳиссиётларини англамоқчи бўлса, майдон узра порлаб турган, ёшларимиз қалбининг тимсоли бўлган мана шу машаалага бир назар ташласин. Ишончим комилки, бундай гўзал манзара, бундай улғувор тантаналарга гувоҳ бўлган ҳар қандай инсон кўнглида бирга ва ифтихор билан бирга, қадимий ва навқирон она юртига меҳр туйғулари ойғониши мумкин.

ҚОБИЛЯТ ВА ИСТЕЪДОД НАМОЙИШИ

Махсум мухбиримиз Қобилжон АСКАРОВ Андижондан хабар қилади.

Аввал хабар қилганимиздек, кеча Андижонда «Баркамол авлод» спорт мусобақалари республика финал босқичи беллашувлари старт олди. Спорт байрами тантаналари эрта тонгдан бошланди. Янги Паркент туманидаги «Кўёш физикаси» илмий-ишлаб чиқариш биноларида ёндоқилган машаала Қорадар соҳилидаги Балиқчи қишлоғига этиб келди. Андижон вилояти жамоатлиги машаалани олиб келган республика мудоғасига қўмақлашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда эстафета қатнашчиларини шодибна тарзда қутиб олдилар. Шу муносабат билан бу ерда маросим бўлиб ўтди.

Маросимда болалар спорти равақига йўлида Президентимиз ва ҳукуматимиз оғир бораётган илмий-ишлаб чиқариш ҳақида дил сўзлари янгради. Шундан сўнг вилоят ҳокимининг ўринбосари Азизбек Содиков машаалани қабул қилиб олди.

Балиқчи қишлоғида бошланган тантаналар Чинобод, Олтинқул қишлоқларида ҳам давом этди. Оралик вақт ичида Қўшпета-Олтинқул йўналиши бўйича автоюрриш ташкил этилди. Буюк ипак йўли бўйлаб бунда шодибна кузатиш учун 10 миңга болалар ва ота-оналар ҳозир бўлдilar. Андижон шаҳри дарвозаси ҳисобланмиш халқасомон йўл бўйида тантаналар яна давом этди ва «Баркамол авлод» спорт мусобақалари пойтахти бўлиши Олимпия захиралари коллежидеги стадионда ниҳоясига етди.

Маҳобатли мажкур спорт қошонаси биринчи бор минглаб спортчиларни ва меҳмонларни ўз бағрига олди. Стадионда уч устуни улкан ва баланд яна бир қошона бор. Бу уч устунининг рамзий маъноси бор, албатта. Бир «Умид ниҳоллари», иккинчиси «Баркамол авлод», Учинчиси эса «Универсиада». Уч тизимли спорт мусобақаларининг рамзий қўриғини машаала билан янада ёришиб кетгандай гўё.

Байрам тантаналарида республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Рискиев, Бош вазир ўринбосари Х.Кароматов иштирок этди. Байрам тантаналари бошлангунга қадар эса Андижон, Хонобод шаҳарлари, Марҳамат, Олтинқул ва Шаҳриқон туманлари стадионлари ҳамда спорт саройларида беллашувларга старт берилди.

Сўнг спорт байрами бошланди. Байрам дастури Юртбошимиз томонидан билдирилган тақдир ва мулоҳазалар билан бойитилган бўлиб, унда халқимизнинг ўтмиши, бугуни ва эртаси ўз ифодасини топган. Қарийб 10 миң киши иштирок этган бадиий дастур бу ерда ҳозир бўлган барчада катта қизиқиш ва ҳаяжон уюғотди. Оқшом чоғи бўлиб ўтган спорт байрами ранг-баранглиги билан шу қадар фусункорлик касб этдики, ило бўлганда томоша унинг ҳар бир иштирокчиси қалбига муҳрланган қолди. Андижон шаҳри эса ана шу фусункорлик оғушида янада чирой очди ва унинг қўриғини билан барчанинг қалбига кириб борди.

ИККИ ТУМАН МАРРАДА

ТОШКЕНТ. /ЎЗА мухбири Лутфулло СУВОНОВ/. Махсум давомида 17 миң 993 қути ипак қурти парвариш қилган вилоят пиллакорлари қабул пунктларига 930 тонна пилла топшириш ниятида.

Чинозликлар пилла сотиш шартнома-режасини вилоятда биринчи бўлиб бажарди. Қабул пунктларига 1 миң 85 тонна ҳам ашё етказиб берилди. Ҳар қути ипак қуртидан ўртача 55 килограммдан ҳосил олинди. Туман пилла хирмони юксалишида «Навоий», «Дўстлик», «Эшонбод» жамоа хўжалиқларининг ҳиссаси катта бўлди. Улар ҳар қути ипак қурт уруғидан 60-62 килограммдан ҳосил оlishди. Янгиюл тумани пиллакорлари ҳам бу йилги махсумда барча имкониятларни ишга солиб пилла тайёрлаш шартнома-режасини бажарди. Қабул пунктга 90 тонна сифатли ҳам ашё топширилди. Туман пилла хирмони юксалишида «Қовунчи», «Нибёбош», «Озод» ширкат хўжалиқларининг ҳиссаси салмоқли бўлди.

Дейдиларки, дўст бошга, душман оёққа қарайди. Шунинг учун ҳам Президентимиз Наманганда бўлган сержантлар билан сўхбат чоғи уларнинг пойафзали яхши бўлиши билан қизиқдилар. Маълум бўлдики, Фарғонада тикилган бу ҳарбийлар этиги пишшиқ, чопишда қулай.

Хулласи қалом, пишшиқ ва сифатли пойафзал ҳаммага зарур, жумладан, деҳқонга ҳам. Шу боис «Қишлоқ ҳаёти»да ушбу маззуга тақрирланган қайтма қилиб қўйилди. Бугунги этиклар жуда қиммат, - дейди чортоқлик Хўшимбой ака Жумабоев. Учти туманидаги Улуғбек номили ширкат хўжалиги бош ҳосилоти Толибжон Холматовнинг айтишича, этикка соғ (қўн) қилинаётган кирза материал ўта сифатсиз. - Бир ойга етар-етмас бегиди сунъий қопламаси тўқилиб тушади, хилвараган латтасинга қолади, - дейди у. Наманган вилоятида энг йилрик пойафзал корхоналаридан «Камолот» акционерлик жамиятида тайёрланган 0532 модел ва 5-А фасондаги эркаклар кирза этигининг баҳоси 8 миң сўм. Ваҳоланки, қосиблар ўйда тикиб чиқарган ана шундай пойафзални шаҳарнинг «Чорсу» бозоридан 5-6 миңга сотиш ола бўлади. Аммо чиллаки чиллакини қўриб чумак

ургандай, ҳар икки махсулот ҳам сифат бобида шундай «беллашди»ки, бири-биридан «аёло». Шу ўринда тажрибали деҳқон Маматжон Бобохоновнинг мазмунимизга дахлдор бир воқеаси ёдга келади: «Немисоннинг пойафзал оқибори қўлимизга тушиб қолди. Бир жуфт олиб қийиб олдим». Гапнинг индаллоси шуки,

гидрогеологлар 300 жуфт олиб кетишди. Буортмалар билан қизиқдик: ширкат ва фермер хўжалиқидан талаб йўқ. -Чунки уларга қимматлик қилади, - тан оладиган Т.Турдиев. -Сифати-чи? -... Сир эмаски, бугун далада

-Тракторчи ва сувчиларга 50 жуфт кирза этик олиб бердик, пулни йил охирида иш ҳақидан ушлаб қоламиз, - дейди уйчилик раис Анваржон Эгамбердиев. Бизнингча, бундан ширкат хўжалиги факат фойда қўради. Негаки, оёғи бутланган деҳқон гўлдур-гўлдур йўл босиб, гулла-гулла кетмон уради, юраги меҳрли, меҳнати унумли бўлади. Дейлик, ҳар гектар хосилдорлиги атиги 10 килодан ошганда ҳам 500 гектар бугдойи бир хўжалиқда 5 тонна қўшимча ҳосил бўлади. Натига шуки, ширкат хўжалиги этикнинг сарфига мутлақо қуймайди.

Тадбиркорларимиз ҳам деҳқон учун арзон этик келтириб сотиб, савоё иш қилсалар қанийди. Қолаверса, шу иш билан шуғулланувчи махсус фирмалар ташкил этиш ҳам фойдалан ҳоли бўлмасди.

Уз ноини она сунтидай ҳалол билган қосибларга эса гап йўқ. Аммо биттасини алоҳида айтиб ўтмас бўлмайди: машойишлик «инсоф сари Барак» деб қўйибдилар. Этик қийган деҳқон устанинг ҳақиқа «қўлингиз дард қўрмасин», дея дуо қилишни истади. Наҳотки, сиз шуни хохламайсиз, азиз қосиблар!

Рустамжон УММАТОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ДЕҲҚОННИНГ ЭТИГИ ПИШҚИМИ?

раҳматли М.Бобохонов ўша этик билан душмани тирақайлатиб қувади, Овруланинг ярминини яёв босиб ўтади, ахирини Косонсойга келиб, далада ҳам икки ёз кийди. Афсуски, кетасан: наманганлик қосибнинг немис этикдўзидан қаери кам? Нега уруш пайтлари уч-тўрт йилга чидаган этик ўзбек даласида 3-4 ойга чидамайди? «Камолот»нинг бу муҳандиси Равшан Турдиев хонасидаги стол устига 20 хилдан ортиқ пойафзал териб қўйибди. Улар орасида икки тур эркаклар пойафзали бор. -«Кирза»ни буюртмага асосан тикамиз, - дейди бош муҳандис. - Йўлсозлар 500 жуфт,

ишлаётган одам ой сайин жа-раклатиб пул олаётгани йўқ. Тўғри, хўжалик гоҳ-гоҳ доғ, ёғ, пул қабилида тоғанини беради. Аммо рўй-роҳ сўрайлик-чи: -Иш ҳақини тўлаб бўлган хўжалик қанчаю, қарага ботиб ётгани қанча? Бугун бу саволнинг жавоби оғриқли. Хўжалиқнинг газнаси очилган кезлари (ғалла ўрими ва пахта теримида) деҳқоннинг чўнтаги пул қўради. Хайтовур, қунига қуйса ҳам пулига қуймайди. Хўп, шу нисбат аксинча бўлса мумкин эмасми? Яъни «пулига эмас, қунига қуйиш» ни хўжалик ўз зиммасига олса-чи? Чамаси шундай қилса ҳам бўлар экан.

МАВЗУГА ҚАЙТИБ

МАНФААТДОРЛИК САМАРАСИ

Деҳқонлар учун энг масъулиятли фасл - ёз бошланди. Қўпгина қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили тақдирини айнан шу ойларда ҳал бўлади. Шу билан бирга бугдой ўриб-йиғиб олиниб, бир томондан галвир сувдан кўтарилса, иккинчи томондан ерга тақририй экинлар барака уруғини қадаш бошланади. Юмушларнинг устма-уст келиши деҳқон ташвишларини бир қадар ортиртса-да, аслида улар қувончи ташвишлардир. Негаки, йил бўйи меҳнат қилган бододеҳқон уюлган хирмонига боқиб, бир зумда чарчогини унутгани, даромадидан қувонади.

Дала меҳнатқашларига ҳамма мададкор бўлиб келаётган банклар зиммасига ҳам катта масъулият юклатилган. Деҳқон меҳнатига яраша ўз вақтида иш ҳақи олиб бурса, рағбати янада ошади. Сурункасига икки йил сув тақчиллигини бошидан кечирган, мураккаб об-хаво шароитида деҳқонлик миришкорлар қўлга киритаётган ютуқларида, шубҳасиз, «Пахта Банк» виллоят бошқармаси ходимларининг ҳам ҳиссалари катта. Улар миқдорларнинг муаммоларини ечишга доимо ёрдам берадилар. Биргина мисол. Айни кунларда воҳа деҳқонлари ғалла ўрим-йиғимига катта тайёрларлик қўрмоқдалар. 35 миң гектар майдондаги қузи бугдойи пишиб етилиши арафасида. Қомбайлар, ташиш техникалари тахт қилиб қўйилган. Вазирлар Маҳкамасининг «2003 йил бошқоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини беками қўст бажариш мақсадида банк ходимлари қомбайчилар ва ўрим-йиғимда иштирок қилувчи бошқа кишиларга ўз вақтида иш ҳақи тўлаш чора-тадбирларини қўриб қўйганлар.

(Давоми 3-бетда)

АТТАНГ

Маълумки, шу йилнинг 24 март кунинда давлатимиз раҳбарининг «Қишлоқ хўжалигида исохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишларини тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Унда қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқаришнинг бозор тамойилларига мос келадиган

САРСОН БЎЛГАН «ФЕРМЕРЛАР»

ган ташкилий тузилмасини, яъни фермер хўжалиқларини ташкил этиш ҳамда уларнинг мустақиллигини кенгайтиришга ҳам жиддий эътибор қаратилган. Ушбу ҳужжатдан рухланган деҳқонларимиз зарар билан ишлаётган, ласт рентабелли ширкатлар негизда фермер хўжалиқларини янада жадал сурбатларда ташкил эта бошладилар. Чунки, ривожланган дунё давлатлари

(Давоми 2-бетда)

ҚАРЗИНГИЗНИ ҚАЧОН УЗАСИЗ?

Пиллани халқимиз тиллага менгзайди. Ипак қуртининг Чинмочин юртидан келгани, ипакнинг ўрнини дунёдаги ҳеч бир махсулот боса олмамлиги ҳам бор гап. Қадимда Фарбу Шарқни боғлаган катта савдо йўли буюк, дея шу мўъжизавий мато номи билан аталганини айтмайсизми. Уша маҳаллар ипак олтин қадар қадолангани, уни фақат сарой аёнларини, бойлар харид қилгани ҳам ипакчиликни ривожлантиришга катта туртки берган. Бугун-чи? Соҳада ютуқларга нисбатан муаммолар кўп. Бу, айниқса, пилла қабул қилиш жараёни бораётган айни кунларда аққол сезилаяпти. Келинг, дастлаб мутахассислар фикрига қўлак тутаёлик.

Саодат Тوشтеминова - Кўпчилик туманидаги пилла қабул иддао. -Энг асосий масала - махсулотни эркин сота олмаётганимиз. Утган йилги пиллани бир йил кечикиб - кечанга сотдик. Қишда харидор келувди, «юқори» руҳсат бермади. Руҳсат олинган эса харидор махсулотни арзон сўради. Қуруқ пилланнинг хар килограмминини 2500 сўмдан сотдик. Таннарх 3040 сўмга тушган. Харидор қишда (чет эллик эди-да) 3500 сўмдан оломқчи эди. Қўриб турганимиздек биз бир расмий қоғоз - юқорининг руҳсати йўқлиги туфайли хар бир килограмм пиллани 700-800 сўмдан арзон сотишга мажбур бўлдик. Махсулотнинг кеч ва арзон сотилиши оқибатида пиллачилар билан ҳисоб-китоб ишлари ўлда-жўлда қоляпти. Ипак қуртинини одамларга бериш, айниқса, шу йил оғир бўлди. Пулни тўланг, боқайлик, дейишди. Ҳақли талаб, аммо биз пулни қаердан олайлик?.. Республикаимиздаги пиллани қайта ишловчи корхоналарда пул йўқ, айланма маблағ етишмайди.

(Давоми 2-бетда)

САНЪАТ

Ҳаётда шундай воқеалар билан тўқнаш келиб қайратга тушасиз. Гоҳ уйлаб ўйингизга етолмайсиз. Ҳатто, фикрлар сўнгизилгидан сабаблар излайсиз. Тополмаганда... «Ҳаммаси тасодиғ», деб юборасиз. Лекин қўлингизнинг бир жойида «Буларни бир-бирига боғлаган нозик ришталар бор. Фақат биз уни англамаймиз» деган ўй туради...

ҲАЁТНИНГ ТУРФА РАНГЛАРИ МУЖАССАМ

Оққан дарёлар оқаверади... Бу қонунияти, тасодиғи? 90-йиллар эди. Тошкентдаги қўрғазмалардан бирига... ше-рободлик расмон Қурбонмурод Олловернинг ҳам асарлари қўйилди. Улар «Мангулик», «Жанубдаги чегара» ва бошқа номлар билан аталарди. Озгина бехабарроқ киши ўйлагандир: «Сурхондай жой-элингизни чулғаб олади, абадиёт ҳақида турфа ҳаёлларни хис қиласиз... тўрт фасл айланаётир... Ранглар сўзлайди... Яшил рангларда баҳор, Ҳазон рангларда - қуз. Ҳаёт тўхтамайди. Мангулик! Асардаги дарахт абадийлик қўшиғини қўйлаётгандай...

(Давоми 4-бетда)



ЎҒРИ... ЖИЯНИНГИЗ-КУ!

Меликул бобо энди уйқудан турган эди, хотини ҳовликиб келиб қолди. Уйимизни ўғри босибди. Қулфлоглиқ сандиқ очилиб ётибди. Уйимизни уйлантириш учун олиб қўйган қимматбаҳо материалларнинг бирортаси қолмаган. Ер ютқур, ким олди экан? Ха, уйғинанг куйгур-а...

Сахар пайти бўлишига қарамасдан атроф анча ёришиб қолган эди. Меликул бобо унинг атрофини кузатибди. Ўғри шовишган бўлса керак, газламалардан бири дераза олдида тушиб ҳам қолган.

Милицияга хабар қиламиз. Ўғри қамоқда чириб кетсин, кейин пушаймон бўлади қилишимизга. Аммо ушунга инспекторим ҳеч илоҳини топа олмади. "Навшаҳар" қалқунда Гуландом деган фобин бор, шунга фол очиб келинг, - деди оғайниларидан бири.

Бир неча юз минг сўмлик мол-мулкдан айрилиб қолган бобо фолга умуман ишончи бўлмаसा-да, фобинчилик қараб жўнади.

Кўзи гайларок, турнада ўтириб қолган бир оғайнингиз ўғирлаб олган, - деди Гуландом фобини.

Меликул бобонинг нафаси ичига тушиб кетди. Тили қалимага қалима қолди. Бир палсад кейин унга қалғач, "ўж" тортиб юборди. "Ўғри синглининг ўғли - ўз жияним-ку! Мен хали ўз жиянимни қаматмоқчи бўлиб милицияга учрашиб юрибманми?" Бобо бу сирни ҳеч кимга айтмади, бироқ билиб қолса, уят бўлади, деди. Тўғри ушунга инспекторининг олдида бўлди.

Биз янглишган эканмиш. Ҳеч нарса ўғирланмаган экан, - деди. Шу-шу бўлди-ю, эрталаб Меликул бобонинг уйига ўғри тушган ҳақидаги хабар қанчалик тез тарқалган бўлса, бу гап-сўзларни ҳам ими-жимида яшириш пайига тушдилар.

Жовли ХУШБОУҚОВ ПАРИНИНГ КАТТА ХОЛАСИ

Жонон пиёлининг жарангидай "алё" қалимаси Баходир ақанинг оромини олди. Телефонда Қосимовга "изҳори дил" қилди:

"Янги котиббангизнинг овозидан атиргулнинг ифори келадими-я."

Қосимов "ўртанган" юракнинг "муҳаббат алангаси"га мой сепди:

"Авал ўзини кўринг, ўзини! Тўрт кунгача юраги эриб оққан Баходир ака ниҳоят "висол"га отланди. "Ўлиб турган ошиқ" бағридаги дўстини ҳам, салом-алиқини ҳам унутиб шивирлади:

"Қабулхонагиз бўм-бўш-ку, чақиринг-чи. Хаялларок кирган хўпса семиз жувонинг дўрдоқ лаблари лиқиллади:

"Хуш келсиз, меҳмон. Уэр. Осим Ҳосилович, мени муовин йўқлатиб..."

"Битта чой. Котиба "бажонидил" дея куракдай қафтани кўксига қўйиб, бош иргар экан, қоп-қора юзидида данакдай хол сепкиллади.

"Жонон пиёлининг овози"ни аллақачон таниган Баходир ака бақдадай бақрайди. Қосимов эса "алданган кўнгил" соҳибига синончан боқиб кўз қисди:

"Қалай? -Койил. Дидингиз чакимас. Чамаси парилар зотида бўлсалар керак?"

"Йў-ў, уша маҳалладан, - "туз сепди" Қосимов "ролга кириб".

"Хе-е, ўргилдим, парининг катта холаси бўлсалар керак-да! - қўл силтади ҳафсаласи пир бўлган Баходир ака.

РУСТАМЖОН УММАТОВ

АЗОТ ЕГАН ҲЎКИЗ

Алман бобо ҳайрон. Бозордан сотиб олган ҳўкизи яхши ўсмаяпти. Емини ҳам эриниб ейди. Мол дўхтирга кўрсатди. "Ҳўкизингиз соғ, ўзи бир хил мол шундай бўлади. Семириши кийин-да", деди у. Бозорга қайтариб сотишдан қўрқди. Бундан ҳам ёмонини сотиб олиб келса, нима бўлади?! Ҳеч ким молини ёмон демаса.

Алман бобо нима қилишни билмай юрган кунлари эди. Гурунгда институтни битириб қолган агроном Хайдар Оллоқулов ҳеч ким билмаган гапни айтиб қолди:

"Молга ем берганда озгина азот қўшсангиз, тез семиради. Мол тез ўсади.

Алман бобо бу гапни уйда, оила даврасида гурун берди. Хотини Мاستон опа қайтариб сўради:

"Пахтага берилмайдиган селитрани?"

"Ха-ха, шу, - деди Алман бобо.

Мастон опа эртасига кекучун ҳўкизининг емига ховучини тўлдириб "азот" қўшди. Қўкиз, ҳўкизи емини тез-тез еб қўйди. Мاستон опа ичидан сўюнди. "Энди бир оила семиради". Алман бобого айтган эди, бобо ҳайрон қолди.

"Йў-э? Тез-тез едимиз? Ноз қилиб, емини емай ётвудим-ку?! Тобогонда қолдирмадимми? Э-э, Хайдар энди агроном-да. Уқиб келган, билмади."

Эрталаб Мастон опа оғилхонага борди. Ногоҳ...

"Боваси!! Боваси-и-и!! Човинг-а-а, човинг! - деб бақираверди. Намоз ўқийётган Алман бобо намозини бўзиб, югурди. Борса, катта қор ҳўкиз қорни шилшиб, ўлиб ётибди.

"Мен ўлайин, азот бермай, мен ўлайин. Тезроқ семирсин дебман, - жовдиради Мастон опа.

Алман бобо бошини чайқайди:

"Олий маълумотли агроном-а?! Ҳўкизини ўстиради, деди-я. Дипломингга ўт тушин-а. Э-э, ҳе-ей."

Менгнор ОЛЛУМУРОВО

"ЭНАСИНИ УЧҚЎРҒОНДАН КЎРСАТАМАН"

Қирк йилча бурун қишлоққа кўча ҳайвонот боғи келди. Яқинба кўни томошага кирган Азим билан Одил ғаройиб жонотлар у ёқда қолиб, шу ерда қўймаланиб юрган ярим яланғоч аёлга суқланиб тикилишди. Йигитчаларнинг ўтли кўзидидаги учқунни, ўзига ошқора қадалган ниғолар таъкибини аллақачон пайқаган аёйибона ҳодимаси сирли равишда имлаб қолмасинми:

-Баланчу-ку! Сюда идите.

Икковлар бир-бирларига бақрайишди.

"Ишак бар?" - энди "ўзбекчалашга" ўтди у.

Алиқиса, бир бало қилиб билдирилди, хонимчанинг ваҳшилару илонларига тирик емиш зарур экан. Масалан, эшак - ўн сўм, ит - ўн сўм, мушук - ярим сўм. Қаламуш тутиб келганга томоша бевул.

Дўстлар эвдик билан маслаҳатни пиширишди: ит тишлайди, мушук тирияди, эшак ҳам тепади-ю, бир илоҳини қилса бўлади. Одилларникида кунни кеч қилиб, "овга" чиқишди. "Ўлка" ҳам нақд бўлди: сой бўйида биринчи дуч қолган эшакнинг ялдоқ сағрисиغا мингашиб, йўлга тушдилар. Узини "Женя" деб таништираган халғи маржа яна ўша "либос" да пешвоз чиқди: ўн сўм бўёқча, эшак у ёқда ўтди. Тагин "маҳсулот" келтиришга шартлашган дўстлар йўлдаёқ "даромад"ни арра қилдилар.

Мўнайиша беш сўмининг эртага ўн сўмга айлишиши мумкинлигини ўйлаб Азимнинг ўйуси қолди. Пулни қандай ҳарж-лашни ўйлаб-ўйлаб тўқлиб, тонга яқин кўзи илдири. Нақд қирк сўм пул санаб бераётган Женяон тушига кирди...

-Азимжон, тур болам, эшакни ўғри урган қўринад.

"Қанақа эшак, эна?" - уйқуга тўймаган кўзларини базур очган йигитчанинг қўли ўчди.

Кеча даданг Учқўрғондан қирк сўмга оп келиб, сой бўйига боғлаб қичқирдилар. Ўғрининг энасини Учқўрғондан кўрсатаман, деб қидиргани кетдилар. Сен ҳам боринг-чи, энанг айлансин...

У. РУСТАМОВ

(Боши 1-бетда)

Нега бу масала туман микёсида ўз ечимини топади? Вилотдаги мутасаддиларни ҳам хатлаб Тошкентга келди? Ахир Қашқадарёдан то пойтахтга бўлган йўл харахати ҳам оз эмас, албатта. Қолаверса, фермер бўлиш истагиди бу одаларнинг айни экан-тикин пайти сарсон-сарғардон бўлиб юришга ортиқча изохнинг ҳолати бўлмаса керак.

Дабдурустан хулоса чиқаришга шовилмайлик. Келинг, яхшиси "фермер"лардан бирининг шикоятига назар ташлайлик. Шикоятчи Нормат Ражабов 20 кун қўшимча ер олиб фермер ҳўжалиги ташкил қилиш учун бундан роппа-роса уч йил олдин, 2000 йилда "Қашқадарё" ширкат ҳўжалиги бошқаруви номига ариза берган. 7 март куни ҳўжалик умумий мажлиси қарори чиқди. Бироқ фермерчиликни ташкил этишдаги кейинги қадамлар негадир тўхтаб қолди. "Икки йил ҳўжиятга тинимсиз қатнадим. Ишам туман микёсида ҳал бўлмади. Сўнгра, яна ҳўжаликка қайта ариза билан мурожаат қилдим. Ҳўжалик умумий мажлисининг яна янги қарори чиқди. Аммо туманга боғранда тагин ариза жавобсиз қолди. 2003 йилнинг 17 февралда туман ҳўкимчилигига яна юқоридидаги ҳўлатда ҳўжатларимни тақдим қилдим. Аризамни қўриб чиқиб туман ер тузувчиси Т.Маммураева ўтказилди. Шундан сўнг ҳўкимлик ҳўзуридаги деҳқон ва фермер ҳўжаликлари тузиш ва уларга ер ажратиб бериш комиссиясининг қарори чиқди, яъни шу йилнинг 5 мартда. Бироқ ҳўзирга менга фермер ҳўжалиги тузиш тўғрисидаги қарор чиқарилмапти..."

Бошқа "фермер"лар - Фафур Қаршиев, Абдухалил Новотов ҳамда Абдиназар Аҳатовларнинг шикоятлари ҳам деярли ана шундай мазмунда экан. Абдухалил Новотовга 2002 йилнинг 16 июлда 32 гектар, Фафур Қаршиевга эса ўша йилнинг 25 декабрда ҳўжалик умумий мажлиси қарорига асосан 19 гектар ер ажратилиши кўрсатиб ўтилган.

"Шу иккита қарор бўйича зарурий ҳўжатларни тўлаб туман ҳўкимчилигига бордингиз. 5 март куни туман ҳўкимига умумий мажлис қарори ва ариза, бизнес-режима билан мурожаат қилдик. Ҳўжатларимиз негадир туман ер тузувчиси Т.Маммураева ўтказилди. "Ҳўзирга натижа йўқ. Барча ҳўжатлар Т.Маммураевнинг сўйишда сақланмоқда. Негалигига аниқ жавоб ололмаямиз."

Ҳўш, нега шундай бўлди? Шу каби саволларга жавоб тоғиш учун хизмат сафари

МАТОНАТ

ТАБИАТ ХУРУЖИ ПИСАНД ЭМАС

Табиат инжиқликлари, у келтираётган зиён-заҳматлар бу йил қуёшқондан чиқди, десак муболага бўлмас.

Самарқанд вилояти пахтакорлари, галлакорлари, айникса, асов Зарафшон дарёси соҳиллари бўйлаб жойлашган. Пастдарғом, Оқдарё, Иштихон, Жомбой, Булунгур туманлари деҳқонлари бундан анча зарар кўрди. 2 июн куни ёққан дўл, қаттиқ жала 4 минг гектар майдондаги гўза, 2 минг гектардан зиёд галлазорга талафот етказди. Жумладан, Жомбой туманидаги "Ўзбекистон" ширкат ҳўжалиги, Оқдарё туманидаги "Наврўз", Пастдарғом туманидаги бир қатор ҳўжаликлардаги экин майдонлари катта зарар кўрди.

Айни пайтда вилоят ҳўкимчилигида ташкил этилган тезкор штаб ётказилган зарарни синчиқлаб ўрганапти. Ердამчи гуруҳлар далаларга, жойларга аллақачон етиб боришган. Биринчи галда офатни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Ҳамза ШУКУРОВ

САРСОН БЎЛГАН "ФЕРМЕРЛАР"

билан Касби тумани «Қашқадарё» ширкат ҳўжалигига йўл олди. Аризақарор: «Ахволни ўз қўзингиз билан қўриб турибсиз... Аризамизда нимаки ёзилган бўлса, ўрганиб чиқишингизга сўраймиз...» деб туриб олишди. Ширкат ҳўжалиги раҳбари Қурбон Хайдаров эса: «Мен бу ерда яқинда раҳбар бўлиб қолганман, умумий мажлис қарори чиққан бўлса, менга тааллуқли жойи йўқ, ана, марҳамат ер олишаверишини, масаланинг ечимини ҳўкимликка боғлик», деди Беғаров. «Бу йил олишмаса, келаси йил олишмади-да, ҳўкимимиз ҳам янги, эски қарорларни қўтариб юриш шартмас-ов, биз бундан беҳабаримиз...», деб қўшиб қўйди.

Хуллас, бу ердан фермерлар шикоятчи юзасидан аниқ жавоб ололмади.

Майли ҳўжаликнинг умумий мажлиси

қарори чиққан экан. Ваҳоланки, бу қарорлар тегишли комиссия ва туман комиссиясининг рад этиш қарорига асосан ширкат ҳўжалиги бошқарувиغا қайтарилмаган. Демак, ер ажратиб беришдаги қарор кучда турибди. Бундан ташқари, аризақарор барча ҳўжатлар билан шу йилнинг 5 март куни мурожаат қилинган. Уларнинг аризаси эса шу пайтга қадар жавобсиз қолган. Ражабов Норматнинг шикоят хатига ҳам шундай муносабатда бўлинган. Сўнгра у Қашқадарё вилояти ҳўкимчилигига Ақлия бошқармасига мурожаат қилган. Натижада Ақлия бошқармаси туман ҳўкимчилигига жавобгар деб топапти. Ва шу йил 24 апрел куни туман ҳўкимчилигига фермер ҳўжалиги юритиш учун ер участкасини ажратиб ҳўжиятда фермер ҳўжалигини давлат рўйхатида ўтказишни юқлаш, 50 минг сўмлик маънавий зарарни ўндириш ҳақида давло аризаси киритилди.

Бундан ташқари, ер участкаларини бериш масалаларини қўриб чиқувчи туман комиссиясининг 5 март куни чиққан қарори ҳам бор. Унда «Абдурайим ота» фермер ҳўжалигига қўшимча 20 гектар экин майдонини ажратиб бериш кўзда тутилган. Ушбу қарорнинг тасдиғи ҳўкимликдан сўралган. «Фермер ҳўжалиги тўғриси»даги Қўнунга биноан ўн беш икки тақдим қилинган ҳўжатларни қўриб чиқиб, фермер ҳўжалиги юритиш учун фуқарога ер участкасини бериш тўғрисида ёки асосланганлиги ҳолда рад қилиш ҳақида қарор қабул қилиниши керак эди. Афсуски, бу масалага ҳам юзаси қаралган.

Энди фуқаро Фафур Қаршиевнинг ариза-

СИ ЮЗАСИДАН ҲАМ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Ақлия бошқармаси томонидан киритилган давло аризасига эътибор қаратмас. Унда жавобгар Касби тумани ҳўкимчилиги, фуқароларга ер участкаларини бериш масалаларини қўриб чиқувчи туман комиссиясини раисини томонидан қўриб талаби ва давлогарнинг қўниқий ҳўжўқлари бўзилганлиги айтилди. Жавобгар Касби туман ҳўкимчилигига зиммасига Қаршиев Фафурга фермер ҳўжалиги юритиш учун «Қашқадарё» ширкат ҳўжалиги ҳудудидан 19 гектар ер майдонини ажратилиши белгиланган тартибда қўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилиш юқлатилади ва юз минг сўм микдорда маънавий зарар ўндириш белгиланади.

Туман ҳўкимининг иқтисодий масалалар бўйича муовини Урол Этамбердиев билан

урашганимизда шундай дейди:

«Бизда қўниқий билмаслик ҳўлатлари бор. Қўниқий билиш керак. Қўнундан хабардор бўлиш керак. Қўнундан хабардор бўлганингиздан кейин ҳамма ишини ечимини топасиз. Ариза билан мурожаат қилганларни қаноатлантириб жавоб қайтариш ёки ер ажратиш учун қарор чиқариш керак эди. Шикоятчилар ҳақ. Қўниқий жўхатдан уларники тўғри. Уларга ер ажратилиши керак эди...»

Ҳўш, юқоридидаги номи айтаётган шикоятчилардан ташқари Фуқаро Иномжон Набиев, Муртоз Маҳаммов, С.Хотамов, Н.Ражабов ҳам матбуотдан наҳот истаб ариза ёзганликлари, уларнинг ҳам арз-додди қабулқониларидаги «тўсиқ»дан нари ўтмаганига шу каби санасорлик сабаб эмасмики?

Раҳбар киши масъулиятли лавозимда туриб қўнунга амал қилмаса ўз-ўзидан ишоп-шотлар ривожига тўсқинлик қилинади, кишлар ўртасида адолат излаб юқори ташкилотларга шикоят ёзиб авж олади.

Биз Касби тумани ҳўкимчилигиди раҳбарлар ҳам ҳаётга шу нуқтани назар билан ёндашишни истадик... Ва, матбуотга мурожаат қилган кишлар арз-додди мутасаддиларга етиб боради ҳамда уларга қўниқий жўхатдан ер ажратиш масаласи иқобий тарзда ечимини топади, деб умид қиламиз.

Кўнкор НОРҚОБИЛ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

САДДАМ ЖАСАДИ ҚИДИРИЛМОҚДА

Бағдод шаҳрининг Ал-Мансур мавзесида жойлашган ресторон харобалардан Американинг эксперт-криминалистлари Садам Хусайн жасадини қидирмоқдалар.

Бу ҳақда хабар берган CNN телекомпаниясининг билдиришича, 7 апрелдан 8 апрелга ўтар кечаси "В-1" самолёти томонидан бомбардимон қилинган ушбу объект остида Садам Хусайннинг бункери бўлган ва айни ўша пайтда собиқ президентнинг ўзи ҳам шу ерда бўлган. Бомбардимон қилиш эса разведка маълумотларига асосан амалга оширилган. Харобалар остидан олинмаётган жасадлар криминалистлар томонидан ўрганиб чиқилади ва дикта-

тор ҳақидаги маълумотларга оидниқ киритилиши кутилмоқда. Ёдга олсак, апрел ойи ўрталарида ироқлик танкичи журналист Амир Наффах "Ал-Жазира" телеканалига интервю бериб, айни шу бомбардимон вақтида Садам Хусайн ўзининг ушбу бункерида бўлганлигини айтган эди. Унинг ўзи эса бу ҳақдаги маълумотларни собиқ Республика гвардияси махсус бўлинмаси аскарининг сўзига асосланган билдирган эди.

ИССИҚЛИК SARS ДАВОСИ САНАЛМОҚДА

Пекинда SARS мавзусида бўлиб ўтган халқаро симпозиумда чиқиш қилган профилактика ва назорат Маркази қошидаги вирусология институти директори Дун Сюпин номаълум зотлиқ касаллиги ультрабинафша нурулар таъсирида ва юқори даражадаги иссиқ ҳавода йўқ бўлишини маълум қилди.

Профессор Дун бошчилигида ўтказилган тадқиқотлар чоғида SARS таркибидидаги коронавируслар 25 даражали иссиқ ҳавода 5 кун, 56 даражада 90 дақиқа, 75 даража иссиқда эса 30 дақиқа яшай олиши аниқланган. Ультрақизил нурулар таъсирида коронавирус 3 соат яшай олади. Бунгунга қадар эса SARS қўрбонлари 772 кишига, ундан зарарланганлар эса 8398 кишига етди.

КАРЗАЙНИНГ БРИТАНИЯ САФАРИ

"Рейтер" агентлигининг хабар беришича, айни пайтда Буюк Британияда турган Афғонистон президенти Ҳамид Карзайнинг уч қулиқ расмий таширифи бугун ниҳоясига етди.

Ташриф чоғида у Британия бош вазири Тони Блэр, ташқи ишлар вазири Жек Стро, қиролича Елизавета II каби нуфузли кишилар билан учрашган. Музокаралар чоғида асосий эътибор Афғонистонда тиклаш жараёнининг жадаллаштириш, ҳавфсизликни таъминлаш, миллий армия тузиш ҳамда маҳаллий аҳолини қуролсизлантириш масалаларига қаратилди. Шунингдек, Британиянинг "қора бозори"даги 90 фоиз гиёҳвандлик маҳсулотлари Афғонистондан чиқиб бораётганлиги инобатга олиниб, ушбу маъмо ҳам муҳомада этилди.

"АЛ-ЖАЗИРА"НИНГ ЯНГИ РАҲБАРИ

ИТАР-ТАСС агентлигининг хабар беришича, "Ал-Жазира" телеканалига эндиликда келиб чиқиши фаластинлик бўлган Анаш-Шариф бошқаради.

Бироз аввалроқ ушбу лавозимда ишлаган катарлик Муҳаммад Жасим ал-Али Садам Хусайн тузуми билан алоқадорликда айбланиб, ўз вазиридан бўшатилган эди. Аднан аш-Шариф авваллари ВВС телекомпаниясида фаолият юритган ва бугунга қадар у "Ал-Жазира"да бошловчи бўлиб ишлаган эди.

"Араб CNN"и номини олган "Ал-Жазира" қарийб 25 миллионлик аудиторияга эга бўлиб, бугун у Катарда жойлашган бўлса-да, лекин ушбу давлат қарамонда эмас.

ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.

ФИКР

Инсон бутун умри давомида табиат ҳўсонларидан баҳра олиб яшайди, унинг ҳаёти наботот олами билан узвий боғланган. Узининг ризқ-рўзини, емак-ичмагини у шу оламдан олади. Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, яшиллик оламининг эрда ҳаётни ҳам тасаввур қилиб бўлмайди.

Дарвоқе, "табиат" деган сўзнинг ўзи "яралмиш" демакдир. Маълумки, ер юзидидаги барча мавжудот кислород билан тирик. Усимликлар эса гўёки таъминотчи. Улар бир йилда 18 миллиард тонна тоза кислород ишлаб чиқариб еримиз ҳавосини доимий тозалаш турар экан. Шунинг учун кислород камийиб ҳам, ёки йўқолиб ҳам кетмайди.

Хозир 300.000 га яқин ўсимлик турлари мавжуддир. Лекин афсуски, инсон билан яшиллик олами ўртасидаги боғлиқликка аллақачон путур етган.

Дунё олимларининг таъкидлашича, инсонларнинг табиатдан қўр-қўрона фойдаланиши туфайли ер юзининг учдан бири чўлга айланган. Усимликлар турлари кундан-кунга камайиб бормоқда.

Бизнинг мамлакатимиз ҳам табиий бойликларга бисёр. Айни пайтда республикамизда 4500 га яқин ўсимлик турлари мавжуд бўлиб, улар орасида жиддий муҳофазага муҳтож қўпгина камёб, эндем ва реликт турлари ҳам бор. Ана шундай ўсимликлар тўрт юзтага етиб қолди. Улар Ўзбекистон флорасининг 10-12 фоизини ташкил этади. Шу боис ҳам сўнги вақтларда атроф-муҳитни, ҳайвонот ва ўсимликлар дунесини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада қатор қонун ва қарорлар қабул қилинган. Усимликларнинг, умуман табиатнинг бугунги аҳоли шунга талаб этмоқда. Атрофимизни ўраб турган, бизни боқаят табиат ўзи навабатида биздан мадад кутмоқда. Бу ҳақда буғун жуда кўп гапирилмоқда. Лекин қуруқ гал билан бир нарсасга эришиб бўлмайди. Бу борадаги муваффақият инсонларнинг ўзига боғлиқ. Жамиятининг табиатга таъсири ҳамиша оқилона бўлиши керак. Агарда бунинг акси бўлса, табиат инсондан ўч олиши ҳам мумкин. Табиат инсон учун зарур бўлган нарсаларни етказиб бераётган экан, нима учун биз унга безътибор бўлишимиз керак. Бинобарин, биз ҳам табиатни яратган ҳар бир гийҳни ўз ҳимоясига олмагимиз, ардоқлаб, меҳр билан сақламоғимиз даркор. Она табиатимиз ажралмас бўлган бўлган ўсимликларни асраб авайлаб, уларни келгуси авлодларга қолдириш бизнинг виждон амримизга айлиши керак.

Марҳамат МАТВАФАЕВА, биология фанлари номзоди.

ТАҚДИМОТ

Маълумки, ҳар йили бутун дунёда, шу жумладан, мамлакатимизда ҳам 5 июн Халқаро Табиатни муҳофаза қилиш кўни сифатида кенг нишонланади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ҳукуматимизнинг "Атроф муҳит" Дастири Европа иқтисодий қўишторикида тайёрланган "Ўзбекистонда экологик фаолиятнинг самарадорлигини баҳолаш" ҳамда "Болалар ва ота-оналар учун экологик алифбо" китобларининг ўзбек тилида чоп этилган янги нусхаси тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, республика вазириликлари, ҳорийқ давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Шавкат ОРТИҚОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

ЯХШИ ХАБАР

Утган йилги ҳосилининг 4500 қилограмми сотилмай турибди, дейди Боевтур туман пиллахоначаси раҳбари Усмон Абдурайимов

# МАНФААТДОРЛИК САМАРАСИ

(Боши 1-бетда)

Топшириладиган галла ҳосили учун унинг қиймати ва галла майдонларига белгиланган тарифлар асосида ишловчиларни нақд пул билан таъминлаш мақсадида ўрнатилган



тартибга кўра бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларнинг амалга оширилиши устидан кунлик мониторинг ўрнатилди. Ишларни назорат қилиб бориш учун вилоят бошқармасида ва туман бўлимида ишчи гуруҳлари тузилган бўлиб, улар белгиланган тадбирлар асосида фаолият бошлаб юборилган. Галла етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 62736 минг сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилганлиги ҳосилининг мўл бўлишида муҳим аҳамият касб этди.

Май ойининг салқин ва серёгин бўлганлиги гўза ниҳоллари ривожланишини орта сурди. Май ойи бошида устма-уст ёққан ёмғир қалин қатқалокни вушдга келтирди. Шу сабабдан бутун куч парваришга қаратилди. Бунда механизаторлар меҳнати алоҳида ўрин тутди. Агар механизатор эҳтиёткор бўлмаса, деҳқон меҳнатининг бир қисми ҳавога учиб ҳеч гапмас. Шу боис мазкур агротехник тадбирни муваффақиятли ўтказиш учун уларни рағбатлантириш мақсадида иш-

лов берилган ҳар гектар майдон ҳисобига минг сўмдан иш ҳақи белгиланди. 2241 нафар механизатор шу жараёнда қатнашмоқда. Қилинган ишлар учун ҳозиргача 32,7 миллион сўм иш ҳақи ажратилди. Механизаторлар сифатли, унмал ишлашга ҳаракат қилляптилар. Бир кунлик иш ҳақига шу куннинг ўзида қарийб ўн минг сўм олиб қайтаётган механизаторлар қўллаб топилади.

"Пахта Банк"нинг барча туманлардаги бўлими қилинган ишга нақд пул берилишини таъминлаётган.

"Биз фақат мавсумдагина эмас, ҳамيشа деҳқонга мададкоримиз, - дейди "Пахта Банк"нинг Хоразм вилоти бошқармаси бошлиги Фуломбой Ҳакимов. - Шу йилнинг ўзида янги техника сотиб олиш учун 30 ширкат хўжалигига 492 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Жумладан, Хонқа туманидаги "Галаба", "Ўзбекистон", "Хоразм", Хива туманидаги Пахлавон Маҳмуд номли, Ал-Хоразмий номли ширкат хўжаликларини берилган 18 миллион сўмлик кредит ҳисобига биттадан 1-4"А" русумли трактор сотиб олдилар. Шунингдек, бизнинг кўмагимиз билан Қўшқўри тумани 10 та, Янгиқор тумани хўжаликлари 8 та шу русумдаги тракторга эга бўлдилар.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга хизмат кўрсатувчи "Қишлоқхўжаликим" идораси ҳам мададимиздан баҳраманд бўлганлардан. Амалдаги йилда уларга қишлоқ хўжалиги зараркундларига қарши курашувчи воситалар сотиб олиш учун 100 миллион сўмлик факторинг хизмати кўрсатилди. Шунингдек, банк томонидан рес-

публика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрда қабул қилинган "Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилишини маблағ билан таъминлаш механизмини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 383-сонли қарорини амалга ошириш борасида бирмунча ишлар қилинган. Шунга биноан галла ва пахта етиштирувчи фермер хўжаликларига 2003 йил бўйича тузилган шартномаларга асосан топшириладиган маҳсулот қийматининг 50 фоизи миқдорда имтиёзли кредитлар берилмоқда. Ҳозирги кунгача пахта етиштирувчи фермер хўжаликларига 1344996 минг сўм миқдорда имтиёзли қарзлар ажратилди.

Кейинги йилларда вилоятда деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш борасида кўпгина амалий ишлар қилинмоқда. Уларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бир жиҳатдан банклар фаолиятига боғлиқ. 2003 йилнинг ўзида Янгибозор туманининг барча хўжаликлари, Шовот туманидаги "Шовот", Гурлан туманидаги "Ўзбекистон", Урганч туманидаги Сотим Қаландаров номли ширкатлар ёппасига фермер хўжаликларига айлантирилганлиги сабаб ушбу ҳудудларда биттадан минчи банклар ташкил қилинди. Ҳозирги кунда 3350 деҳқон ва фермер хўжаликлари "Пахта Банк"нинг миқдорларига эришди. Жорий йилнинг ўтган турт ойи мобайнида қишлоқ хўжалигига 196697 миллион сўм кредит ажратилган бўлса, шунинг 155490 минг сўми деҳқон ва фермер хўжаликларига ҳиссасига тўғри келади.

Ўрни келганда кўпгина ишбилармон, деҳқонларимиз ишини ривожлантиришга кўмак бераётган кредит бериш ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман, - деди Ф.Ҳакимов сўзда давом қила туриб. -Вазирлар Маҳкамаси-

нинг 195-сонли қарори талабларини бажариш юзасидан имтиёзли кредитлаш мақсудамаси ҳисобидан 104690 минг сўмлик кредитлар ажратишга эришилди. Утган вақт мобайнида берилган кредитлар ҳисобидан 226 та янги ишчи ўрни очилди. Қарз олганлар ишларни ривожлантириш билан бирга банкларимизга нақд пул тушуми ўсишига ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Хонқа туманидан малакали доришунос Робия Олимова мана бир неча йилдики банкимиз билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. У олган 8200 минг сўм пулнинг бир қисмини дорихона қурилишига, бир қисмини ишларини ривожлантиришга сарфлади. Бугунги кунда дорихонада беш нафар киши қизмат қилиб, ойига 6-8 миллион сўмгача нақд пул топширмоқдалар. Шу туманда иш бошлаган "Хонқа қоп" масулияти чекланган жамияти ҳам мададимиз туфайли қад роллаган корхоналар сирасига кирди. У Осиё Тараққиёт ва Тикланиш банки йўналиши ҳисобидан 495000 АҚШ долларига тенг маблағ қарз олиб, иш бошлаган эди. Ҳозирги кунда Хитой Халқ Республикасида-



келтирилган технология асосида йилга 10 миллион дона полипропилен қоп ишлаб чиқарилади. Шу билан бирга маҳаллий иш йиғит-қилардан юз нафари иш билан таъминланди. "Пахта Банк"нинг вилоят бошқармаси фаолияти билан танишар эканмиз, бундай хайрли ишларнинг кўпчилиги ишонч ҳисобидан қилинган.

Холмурод ҚУРБОНОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

## "ОСИЁ БАТАРЕЯ"НИНГ ЗАМОНАВИЙ ВА ИШОНЧЛИ АККУМУЛЯТОРЛАРИ

Раҳимжон: Карим ака, Сизни "Осиё батарея"нинг аккумуляторлари ҳақида яхши билади, дейишди. Шу ҳақда мени ҳам хабардор қила оласизми?

Карим ака: Бажонидил. Тошкентда фаолият кўрсатаётган "Осиё батарея" кўшма корхонасида барча типдаги моторли транспорт воситалари учун 20 га яқин русумдаги аккумуляторлар энг сўнги технологиялар асосида ишлаб чиқарилиб, Марказий Осиёнинг кўпгина мамлакатларидаги, айрим хорижий давлатлардаги харидорларга етказиб берилмоқда. Улар Европа андозлари талабига жавоб беради.

-Бундай аккумуляторлар қайси жиҳатлари билан ажралиб туради?  
-Улар энг аввало Осиёнинг иссиқ ҳароратига ва барча табиий-иклим шароитларига жавоб бериши билан кўпчиликка манзур бўлмоқда. Бу аккумуляторлардан узок вақт фойдаланилиши, ўрнатиш осонлиги, юқори қувватга эгалиги ва ишончилиги билан ҳам кўпгина хайдовчилар эътиборини қозонди. Автобуслар, электр қаралар, енгил ва юк машиналари ҳамда бошқа транспорт воситалари учун мўлжалланган аккумуляторлар кўллаб ишлаб чиқариляпти.

-"Осиё батарея" кўшма корхонасининг манзили ва телефонларини айтиб бера оласизми?  
-Кўшма Корхона Тошкент шаҳри Собир Раҳимов тумани, Широқ кўчаси 96-уйда жойлашган. Яхши Чўқурсой мавзеси, металлбаза яқинида. Ўзининг дўконига ҳам эга.

Олинган маҳсулотга харидор учун мақбул усулда ҳисоб-китоб қилиш мумкин. Телефонларини эслаб қилинг: 8-(3712) 48-07-20; 48-07-30; 48-07-40; 48-50-70. Факс: 48-07-50.



## ОТКРЫТОЕ АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО "О'АНМ",

**ЮРИДИЧЕСКИЙ АДРЕС:**  
г.Ташкент-700060 ул.Шахрисабская 36.  
Выплата доходов по ценным бумагам, номер сообщения -05.  
Вид ценных бумаг:  
- акция привилегированная, именная, безналичная, серия Q-0149-T3;  
- акция простая, именная, безналичная - серия Q-0149-T5.  
Дата принятия решения -10 апреля 2003 г.  
Дата выплаты дивидендов - с 1 мая по 1 июня 2003г.

Размер выплаченного годового дивиденда на 1 акцию:  
- на привилегированную - 272 сума, на простую акцию не начислялся.  
Общее количество акций:- привилегированных акций - 891 штук., простых акций - 16589 штук.  
Форма выплаты дивидендов - денежными средствами

Наблюдательный совет  
ОАО "О'АНМ".

## ОТКРЫТОЕ АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО "О'ZDON",

**ЮРИДИЧЕСКИЙ АДРЕС:**  
г.Ташкент-700060 ул.Шахрисабская 36.  
Выплата доходов по ценным бумагам номер сообщения -05.  
Вид ценных бумаг:  
- акция привилегированная, именная, безналичная, серия Q-0140-T2;  
- акция простая, именная, безналичная - серия Q-0140-T2.  
Дата принятия решения -10 апреля 2003 г.  
Дата выплаты дивидендов - с 2-5 июня 2003г.

Размер выплаченного годового дивиденда на 1 акцию:  
- на привилегированную акцию - 100%, на простую 73,4%.  
Общее количество акций:- привилегированных акций - 1739 штук., простых акций - 57613 штук.  
Форма выплаты дивидендов - денежными средствами

Наблюдательный совет  
ОАО "О'ZDON".

## Бозор муносабатлари тобора эркинлашиб, ўзаро рақобат муҳити кучайиб бориши жараёнида корхоналарни бошқариш кадрлардан юқори малака ва чуқур иқтисодий билимларни муқамал эгаллашни талаб қилади.

Иқтисодий жараёнларнинг моделлаштирилиши ишлаб чиқариш қонунларига асосланган мавжуд барқарор алоқалар асосида амалга оширилади.

Маълумки, илмий-техник фаолият моҳиятига кўра ишлаб чиқаришнинг бошланғич босқичидир. Баъзи ҳолларда бундай фаолият ишлаб чиқариш структурасининг талабига биноан бошланса, бошқа ҳолларда эса илмий-техник ҳодимларнинг ўзлари ишлаб чиқаришнинг ташкил этиш ва моддий базасини ўзгартиришда ташаббускор бўладилар.

Табиатдаги сингари иқтисодиётда ҳам барқарор қонуний боғланишлар мавжуддир. Шунинг учун уларнинг математик тузилишини шакллантириш, иқтисодий жараёнларни математик моделлаштириш мумкин.

Модел - намуна, реал ўхшашлик, предметнинг, жараённинг ва воқеликнинг акс эттирилишидир. Модел характери тўғрисидаги кўрсаткичлар мажмуаси моделлаштириладиган объектларнинг асосий хусусиятлари ҳақида мулоҳаза юритиш учун етарли миқдорда ахборотларни бериши ва унга мос қарорлар чиқариш имконини бериши лозим.

Иқтисодий математик модел (ИММ) бир ёки бир неча математик ифодалар (тенглама, функция, тенгсизлик) ёрдамида иқтисодий жараёнларни ёки воқеликларни акс эттирувчи талқин бўлиб, моделлаштириладиган объектнинг белгиланган кўйилган ёки эҳтимоли кўтиладиган шарт-шароитларда ўзини тутишини кўрсатади.

Моделнинг моделлаштириладиган объектга мос келиши учун унинг қўйилишида қўйилган шарт-шароитларга риоя қилиниши шарт:

- объектни тўла акс эттириши;
- объект характеристикасига мос келиши;
- объект ҳолатларининг ўзгариши.

### Деҳқон ва фермер хўжаликларини сохиблари, Сизлар учун!

## ПУРКАГИЧЛАР КЕРАКМИ? МАРҶАМАТ!

Боғлар, сабзавот пайкаллари, узумзорлар, иссиқхоналар ва шахсий ҳовли-жойлардаги дов-дарактлар ҳосилини турли зараркундан ва ҳашаротлардан ишончли химоя қилмоқчи бўлсангиз, енгил ва қулай қилиб ишлаб чиқарилган пуркагичлардан фойдаланинг. "Ўзқишлоқхўжалик-машхольдинг" компанияси таркибидagi "Агрехим" Ўзбекистон-Италия кўшма корхонасида тайёрланаётган бундай пуркагичлар "Ўстандарт" агентлиги томонидан сертификатлаб берилган ва улардан беш йилдан бери муваффақиятли фойдаланиб келинапти.

**Манзил: Тошкент, С.Машхадий кўчаси, 210-уй.**  
**Мўлжал шампань винолари заводи. Автобуслар: 16, 21, 30.**  
**Тел: (99871) 169-35-46, 169-49-33. Факс: 169-49-44.**

## ҚУЛАЙЛИК

Қашқадарё вилоти ҳокимининг 2003 йил 15 февралдаги қарорига асосан фермерларни қўллаб-қувватлаш, уларга қулайлик яратиш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, фермер хўжаликларидан олинган йиллик, чораклик ва ойлик баланс ҳисоботлари солиқ инспекцияларида эмас, балки белгиланган муддатларда фермер хўжаликлари уюшмасининг ўзида ташкил этилган марказларда қабул қилинмоқда.

"Туркистон-пресс"

ятини таҳлил қилиш учун:  
-тармоқлараро баланснинг қарқас модели;  
-хўжалик ҳисоби модели;  
-иқтисодий-статистик модел ва бошқалардан фойдаланилади.

Тармоқлараро баланслар жумласидан, корхона шароитларига тўғри келувчи энг содда тенгламанинг қўлланилишини материалларга бўлган талабни ҳисоблаш мисолида кўриш мумкин.

Иқтисодиётда оптималлаштирилган моделлар муҳим ўрин тутди. Улар функционал ёки оптималлик мезони деб аталувчи тенгламалар, тенгликлар ва тенгсизликлар тизимидан иборатдир.

Бозор муносабатлари тобора эркинлашаётган, шунга мувофиқ рақобат муҳити таъсири кучаяётган ва ташқи бозор ҳамда барча истеъмолчилар талаби ўсаётган айни даврда ҳар бир рақобат ана шу ИММ моделдан ўзининг қундалик амалиётида фойдаланиши ва қонуннинг иқтисоди билан боғлиқ бўлган ўз қарорларини унга сувиб қабул қилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Улугбек ЖўРАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

Тошкент шаҳар А.Икромов тумани ҳокимлиги томонидан 2001 йил 5 июнда Асомова Феруза номига берилган №0114979 рақамли "Отчолар" бозоридида чакана савдо қилиш ҳуқуқини билдирувчи бейджик йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент Педагогика билим юрти томонидан 1989 йилда Мадалиева Мавжуда Фуломовна номига берилган ЛТ-1 №080685 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Бектемир тумани ҳокимлиги томонидан 2002 йил 14 ноябрдаги 425-қарор билан яқна тартибдаги тадбиркор Абдурахмонова Тажиниса Абулбақировна (СТИР) (ИНН) 448229182) номига берилган экспорт-импорт операцияларини амалга оширган ҳолда чакана савдо билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи 0203501 рақами билан қайд этилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент педагогика билим юрти томонидан 1991 йили Аллакулова Манзура Худойбергеновна номига берилган 146497 (қайд этиш рақами 17565) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

## "Ўздэуавто" компанияси

## "Асака" банки билан биргаликда

2003 йил 1 августгача автомобилларни

## КРЕДИТГА СОТМОҚДА

Шошилинг!



Дастлабки бадал автомобиль қийматининг 60 фоизини ташкил этади, қолган 40 фоизи эса 2 йил давомида йиллик 20 фоиз ҳисобга олинган ҳолда тўланади.

Автомобиллар Сизларни расмий дилерларнинг салонларида кутмоқда

Автомобиллар ҳақидаги

Ўз орзуингизни рўёбга чиқаринг!



